

Грант сўровчи ҳақида маълумот:

Исм ва фамилия: Каюмов Олим Садириддинович
Лавозим:
Иш жойи: Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адрес: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри,-уй.
Телефон: 1. 2. **Факс:**

E-mail: olimq@mail.ru;
Уй адрес: Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти Кармана тумани Аргун маҳалласи, Шукрона кўчаси 19--хонадон **Почт. индекс:**
Уй. телефон: **Уяли тел:** +998946322242

Лойиҳа ҳақида умумий маълумот	
Лойиҳа номи:	“Ўзбек фольклорининг электрон фондини яратиш”
Лойиҳа жойи:	Тошкент шаҳри
Лойиҳанинг маданий аҳамияти: (битта пунктни танланг)	<input type="checkbox"/> Археологик топилма/макон <input type="checkbox"/> Архив коллекцияси <input type="checkbox"/> Тарихий бино <input type="checkbox"/> Қўлёзма <input type="checkbox"/> Музей объекти ёки коллекцияси <input type="checkbox"/> Этнография <input type="checkbox"/> Рақс <input type="checkbox"/> Тил <input type="checkbox"/> Мусиқа <input checked="" type="checkbox"/> Урф одат
Таклиф қилинаётган лойиҳанинг фаолияти: (алоқаси бўлган барча пунктларни танланг)	<input type="checkbox"/> Илмий иш режаси <input type="checkbox"/> Консервацияни баҳолаш <input type="checkbox"/> Инвентаризация <input type="checkbox"/> Тренинг <input type="checkbox"/> Хужжатлаштириш <input checked="" type="checkbox"/> Рақамлаштириш ва сақлаш <input type="checkbox"/> Профилактик консервация <input type="checkbox"/> Консервация ишлари <input type="checkbox"/> Тарихий бинони реставрациялаштириш <input type="checkbox"/> Қазилмани сақлаб қолиш <input type="checkbox"/> Жихозлаштириш / сақлашга оид ускуналар <input checked="" type="checkbox"/> Маданий меросни тўплаш, ёзиб олиш
Лойиҳани амалга оширадиган тахминий вақт:	5 йил
Ислоний элемент?	<input type="checkbox"/> Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ
Расм илова қилинг	Лойиҳанинг ёки унга тегишли қисмининг 4та расмини илова қилинг.

Лойиҳанинг батафсил изоҳи	
Лойиҳа мақсади:	<p>Қисқача изоҳ беринг: 1. Маданий ресурслар. 2. Қандай муаммоларни ечишга мўлжалланган. 3. Қандай мақсадга эришилмоқда.</p> <p>“Ўзбек фольклорининг электрон фондини яратиш” деб номланган лойиҳанинг асосий мақсади ўзбек фольклорининг энг яхши намуналари электрон шаклда “Ўзбек фольклори” сайтига жойлаштириш асосида ўзбек халқининг бой миллий қадриятларини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишдан иборатдир.</p>

	<p>Лойиҳани амалга оширишдан кўзда тутилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар белгиланди:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Ўзбек фольклори асарларининг ҳозирга қадар нашр этилган ҳамда фольклор архивларида сақланаётган намуналари асосида ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг электрон фондини яратиш; Қадимий фольклори ва анъанавий ижрочилиги сақланиб қолган Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари ўтказиш ҳамда тўпланган материалларни “Ўзбек фольклори” сайтига жойлаштириш; – Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислоом шоир Назар ўғли, Берди бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Умир шоир Сафаров, Ёрлақаб Бекназар ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Усмон Маматкул ўғли, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Зоҳир шоир Кўчқор ўғли, Қодир бахши, Бола бахши Абдуллаев, Худойберган Ўтаган ўғли, Аҳмад бахши каби атоқли дostonчиларнинг, Ҳасан Худойбердиев, Ҳусан Расулов, Нурали Нурмат ўғли, Абдуғафур Шўкуров каби эртақчилардан ёзиб олинган фольклор асарларини кенг оммалаштириш. <p>Ўзбек фольклори намуналарини дунёнинг барча кизиқувчилари эътиборига ҳавола қилиш орқали халқимизнинг унитилиб бораётган оғзаки номоддий маданий ёдгорликларини асраб қолиш ва кейинги авлодга етаказиш, ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди намуналари, маросимлар ва анъаналар, миллий байрамлар, урф-одатлар жараёнида ижро этиладиган оғзаки айтимлар, халқ тили, шевалари ва уларнинг софлигини асрашга эришилади.</p>
<p>Лойиҳанинг аҳамияти:</p>	<p><i>Лойиҳанинг маданий/бадиий/тарихий аҳамиятга эгаллиги.</i></p> <p>Ўзбек халқи ўзининг ғоят қадимий маданияти ва серқирра ижодий салоҳияти билан жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Ҳамиша бунёдкорлик ва яратувчиликни тараннум этиб келган бу тафаккур дурдоналарида халқимизнинг энг олижаноб ва улуғвор мақсадларга йўналтирилган эзгу ғоялари ўз ифодасини топган. Халқ оғзаки ижодиёти миллий кадриятларимизнинг энг яшовчан, қадимий, ардоқли ва ҳамиша янгиланиб, ҳар бир авлод бадиий тафаккурининг сарчашмасидан қувват олиб сайқалланиб борадиган, яъни доимий ҳаракатдаги ижодий жараён ҳисобланади.</p> <p>Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди</p>

юртдошларимизнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари ва ижтимоий меҳнат даражасига мос равишда шаклланиб, отадан ўғилга, устоздан шогирдга, аждоддан авлодга ўтиб, доимий равишда сайқаллашиб, мукамаллашиб, тобора анъанавийлашиб бораверган ва ниҳоят, касбийлик (профессионаллик) касб этган ҳамда жонли ижро орқали бизгача етиб келган. Халқ ижодиётининг қадимий намуналари эса, ёзма манбаларда, хусусан, мамлакатимизда яратилган улкан ёдгорлик - “Авесто”да, шунингдек, тарихчи ва адибларнинг асарларида, қоятошлар суратларида (Сармишсой, Зараутсой расмлари каби), археология ва архитектура ёдгорликларида, меҳнат қуруллари ва уй-рўзғор буюмларида ўзига хос тарзда сақланиб қолган.

Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсмотининг кучая бориши билан халқ ижоди турлари ва жанрларига нисбатан айрим истеъдодли шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа бахшилар, эртақчилар, ровийлар, масхарабозлар, қизикчилар, аскиябозлар кўғирчоқбозлар, кўшиқчилар, гўяндалар, халфалар, қиссахонлар санъати юзага келган. Аммо халқ ижоди намуналарининг яратилиши, ўзлаштирилиши ва амалга оширилишида кўпчиликнинг иштироки, ҳар бир ижро ва амалиётнинг қадимдан қарор топган мустақкам анъаналар доирасида воқеъ бўлиши сақланиб қолган.

Ўзбек фольклорининг қадимги намуналари асл ҳолида тўла равишда бизгача етиб келмаган. Қадимги мифлар, афсона ва ривоятлар, мақол, топишмоқ ва кўшиқлар, эпос парчалари турли характердаги ёзма ёдномалар, юнон, хитой, араб манбалари, тарихчиларнинг маълумотлари, археологик топилмалар орқали, шунингдек, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарлари таркибида сақланиб қолган. Қаюмарс, Жамшид, Гершасп, Сиёвуш, Афросиёб, Рустам, Искандар, Эликбек, Тўмарис, Широқ, Зариадр ва Одатида, Зарина, Ойсулув, Гулдурсун, Одами Од, Эр Ҳубби ҳақидаги афсона ва ривоятлар, қахрамонлик эпослари, “Девону луғотит турк”да келтирилган фольклор намуналарининг яратилишида ўзбек халқи қадимий ота-боболарининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу қадимий фольклор намуналарида тасвирланган ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат, тўғрилик ва эгрилик, адолат ва ҳақсизлик ўртасидаги кураш мотивлари кейинчалик ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодида қайта ишланиб, халқимизнинг ижтимоий муносабатлари ва курашлари билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимий намуналари меҳнат ва мавсум-маросим кўшиқларидир.

Улар кўшиқ яратувчиларнинг амалий фаолияти – овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан бевосита боғланган ва меҳнаткаш омманинг қадимий урф-одатлари, хилма-хил маросимлари ва эътиқодлари негизида яшаб келган. Меҳнат кўшиқлари турли меҳнат жараёнлари билан боғлиқ. Масалан, хирмон янчишда “хўп-майда” ёки “майдагул”, сигир, кўй, эчкиларни соғиш ва бузоқ, кўзи, улоқларни эмизишда “хўш-хўш”, “турей-турей”, “чурей-чурей” кўшиқлари куйланган. Ер ҳайдаш, ўрим, ёрғичоқ тортиш, чарх йигириш ва бўз тўқиш жараёнларида махсус кўшиқлар айtilган. Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, турли-туман инончлар, урф-одатлар, мавсумий юмушлар, маросимлар ва байрамлар билан боғлиқ равишда жуда кўп фольклор намуналари яратилган. Фарзанднинг туғилиши, чақалоқнинг бешик даври, улғайиши, жисмоний ва нутқий баркамоллиги, ёш ва суннат тўйлари, улғайиш эҳтирослари билан боғлиқ айтим-олқишлар, эркалама, овутмачок, ялинчоқ, ҳукмлагич, чалғитма, чорлама, гулдур-гуп, санама, айтишма, тегишмачоқ, масхараламалардан иборат бутун бир болалар фольклори тизими яратилган. Никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ равишда ёр-ёр, лапар, ўлан, келин салом, куёв салом каби кўшиқлар куйланган. Қадрдон кишининг вафоти муносабати билан йиғлаб айтиладиган кўшиқларда эса, марҳумнинг энг яхши сифатлари, шафқатсиз ўлим туфайли бошга тушган мусибат, жудолик дарди ғам-алам билан изҳор этилади. Йил қурғоқчилик келганда, ёмғир чақиришга бағишланган “Сусти хотин”, қаттиқ шамол бўлганда, уни тўхтатиш учун “Чоймомо” маросими ва кўшиқлари ижро этилган. “Бойчечак”, “Барот келди”, “Ё, рамазон” кабилар ҳам турли мавсум-маросимлар билан боғлиқ. Байрамлар, жумладан, Наврўз байрами ҳақида туркум фольклор намуналари яратилган.

Ўзбек фольклорининг энг оммавий жанрлари мақоллар ва топишмоқлардир. Халқнинг асрий тажрибалари, панд ва насиҳатларини ўзида ифодалаган мақоллар ҳажман қисқа, бироқ кенг маъноли образли нутқ мевасидир. Мақолларда халқимизнинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари ифодаланган. Уларда ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, вафодорлик, илм-ҳунар ўрганиш каби олижаноб фазилатлар улуғланади, кўрқоқлик, нодонлик, ёмонлик, эгрилик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик, таъмагирлик каби ярамас сифатлар инкор этилади. Ўзбек халқи бисотида ўттиз мингга яқин мақол бўлиб, улар ғоявий ва тематик

жиҳатдан бой ва ранг-баранг.

Халқ орасида топишмоқлар ҳам жуда кенг тарқалган. Улар нарса ҳодисаларнинг муайян белгиларини бошқа предметларга қиёсан яшириб, яширилган нарса ва ҳодисани топишга мўлжалланган бадий асарлардир. Шунга кўра, топишмоқ икки қисмдан иборат бўлади: яширилган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги образли ифодалар, яъни топишмоқнинг ўзи ва унинг жавоби. Тоғ ва ўрмонлар, дарё ва кўллар, чўл ва биёбонлар, бўрон, сел ва тошқинлар, ер ва осмон, йил ва унинг фасллари, ҳайвонлар ва ўсимликлар олами, уй-рўзғор ва маиший жиҳозлар ҳақида кўплаб топишмоқлар яратилган. Топишмоқлар ҳам мақоллар сингари тузилиш жиҳатидан баъзан насрий, кўпчилик ҳолларда шеърий шаклда бўлади.

Афсона ва ривоятлар, нақл, латифа ва лофлар, эртақлар ўзбек фольклорининг насрий жанрларини ташкил этади. Хабар, ахборот бериш тарзидаги хаёлий уйдирмаларга асосланган қисқа сюжетли баёний ҳикоялар афсоналарни ташкил этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар афсоналарга ҳақиқатдан хабар берувчи ёлгон ҳикоялар, дея баҳо берадилар. Ўзбек халқи оламнинг ибтидоси ва интиҳоси, осмон жисмларининг ҳаракати, саҳро, чўл, дашт, тоғ, кўл, дарё ва денгизларнинг пайдо бўлиши, баъзи иншоотларнинг қурилиши ва вайрон бўлиши, авлиё-анбиёлар, хаёлий қаҳрамонларнинг турмуш тарзи ва мақоматлари ҳақида юзлаб афсоналар яратган. “Ширин қиз”, “Дев қалъа”, “Калтаминор”, “Илонбузган”, “Эр Ҳубби”, “Анбар она”, “Етаган”, “Искандар Зулқарнайн” кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбек фольклорида халқ фалсафаси ва донишмандлигини намоён этувчи нақллар, закийлик, фасоҳатга бойлиги, ҳазил-мутойиба ва ҳажвий йўналиши билан ажралиб турувчи аския ва латифалар, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида бўрттириб, ошириб сўйлаш, муболагалашни қиёслаш санъати орқали яратиладиган лофлар ҳам алоҳида жанрлар сифатида катта ўрин тутди.

Фольклор жанрлари орасида эртақлар алоҳида мавқега эга. Улар хаёлий ва хаётий уйдирмалар асосида қурилган, ҳақиқат ва ёлгонни ажойиб бир тарзда ўзида уйғунлаштирган нодир эстетик ҳодисалардир. Эртақлар ғоявий-тематик ва бадий хусусиятлари жиҳатидан ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли, маиший эртақлар каби турларга бўлинади. Бу турлар образлар талқини, конфликт, сюжет, композиция, фантастик уйдирманинг ўрни ва функцияси, тил ва услуби жиҳати билан бир-биридан фарқ қиладилар.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда (“Чўлок бўри”, “Меҳриғе”, “Кўк кўчқор”, “Оккуш”, “Айқ полвон”,

“Илон пари”, “Илон оға”, “Бўри киз” ва бошқалар) ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ равишда от, қўй, эчки, сигир каби уй ҳайвонлари, бўри, айик, илон каби ёввойи ҳайвонларнинг ғайритабиий кўринган характер-хусусияти, уларнинг одамлар билан бўлган муносабати ҳикоя қилинади. Ажойиб кўринган ходисалар ва турли хил ҳайвонларга нисбатан тотемистик, анимистик қарашларнинг ифодаланиши бундай эртақларда алоҳида ўрин тутади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг бир қисми (“Бўри билан тулки”, “Тулкининг тақсимоти”, “Қумурсқа”, “Қарға билан қўзи” ва бошқалар) қадимий тасаввурларнинг унутила бориши билан жамият тараққиётининг кейинги босқичларида мажозий эртақларга айланган. Эртақлардаги аллегорик образлар орқали ижтимоий муносабатлар ифодаланган, жамиятдаги тенгсизлик тасвирланган.

Сеҳрли эртақлар сеҳр-жоду, тилсим, фантастик уйдирмалар асосига қурилган бўлади. Уларда персонажлар, воқеа ва ходисалар одатдан ташқари, ғайритабиий ҳолда тасвирланади. “Девсафид”, “Ялмоғиз”, “Семурғ”, “Кенжа ботир”, “Ёрилтош”, “Гулиқаҳқаҳ” кабилар бундай эртақларнинг характерли намуналаридир. Пари, ялмоғиз, дев, аждар, Семурғ каби фантастик ва мифологик образлар бундай эртақларда муҳим ўрин тутади. Бош қаҳрамон буларга қарши курашади ёки уларнинг хизматидан фойдаланади. Сеҳрли эртақлар қанчалик ҳаёлий бўлмасин, уларнинг асосида ҳаётийлик мавжуд. Учар гилам, ойнаи жаҳон ҳақидаги тасаввурларнинг реал кўзғатувчиси аниқ, уларда орзу-умидлар мужассамлашган.

Маиший эртақлар реал ҳаётий асосга эга бўлиб, фантастика кўмакчи вазифани ўтайди. Уларда асосан ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик қораланиб, эзгулик, ҳақиқатнинг ғалабаси улуғланади. “Зиёд ботир”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Озодачеҳра”, “Тоҳир ва Зухра”, “Аёз”, “Авом фолчи” ва бошқаларда меҳнатқашларнинг аҳволи, зулм ва зўрлик ҳомийларининг кирдикорларига нисбатан норозилиги тасвирланган.

Ўзбек фольклорининг энг йирик жанрларидан бири дostonлардир. Ўзбек халқ бахшиларидан юз элликлдан кўпроқ сюжетга бўлинган тўрт юздан ортиқ дoston ёзиб олинган. Бу дostonлар ниҳоятда кўп тармоқли ва кўп мавзули бўлиб, узоқ асрлар давомида яратилган ва турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда қуйланиб келинган. Уларнинг қадимий намуналари қаҳрамонлик дostonларидир.

Қаҳрамонлик дostonлари патриархал-уруғчилик муносабатлари билан, кўчманчилик ва ярим

кўчманчилик ҳаёт тарзи билан маҳкам боғлиқдир. Уларда реал ижтимоий воқелик қаҳрамонлик идеализацияси доирасида кўтаринки руҳда тасвирланади. Қаҳрамонлик дostonларининг ёрқин намунаси “Алпомиш” (X аср) ва унинг давоми “Ёдгор” дostonларидир. “Алпомиш”да қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, дўстлик, вафо ва садоқат улуғланади. Қаҳрамонлик дostonлари таъсирида жангнома-дostonлар юзага келди. Агар қаҳрамонлик дostonларида бош қаҳрамон фаолияти яккама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намоён бўлса, жангномаларда турли-туман характердаги уруш эпизодларида кўрсатилади. Душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер бутунлиги учун кураш, эл-юртлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланади. “Юсуф билан Аҳмад” ва унинг давоми бўлган “Алибек билан Болибек” дostonлари бунинг ёрқин мисолидир. Ҳар иккала дoston ватанпарварлик туйғулари, она юрт соғинчи билан йўғрилган.

Тарихий дostonлар тарихда бўлиб ўтган воқеа ва ходисалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган бўлиб, бундай дostonларда тарихий ҳақиқат билан афсона, факт билан бадий тўқима ўзига хос равишда чатишиб кетган. “Ойсулув”, “Тулумбий”, “Ойчинор”, “Тўлғоной”, “Номоз”, “Маматкарим полвон” кабилар шу турга мансуб. Улар тарихдаги конкрет воқеалар ва фактларни тасвирлаш характери, хужжатийликнинг даражаси жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қилади. Ўзбек дostonчилигининг кейинги тараққиёт давларида тарихий дostonларнинг бир хили сифатида афсонавий бахшилар ҳамда айрим дostonчиларнинг ҳаёт йўли тасвирланган автобиографик ва биографик дostonлар (“Кунларим”, “Таржимаи ҳол”, “Мулла Ғойиб”, “Оллоназар Олчинбек”, “Маҳтумқули” ва бошқалар) юзага келди.

Халқ дostonларининг катта бир турини романик эпос намуналари ташкил этади. XII – XVII асрларда яратилган бундай дostonлар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг моҳиятини севги можаролари, кўрқинчли саргузаштлар, эртаққа хос фантастик воқеалар, шу билан бирга ҳаётий ходисалар тасвири белгилайди. Қаҳрамонлик-романик дostonларда (“Рустам” туркуми, “Якка Аҳмад”, “Тўрўғли” туркумига кирувчи бир қанча асарлар) қаҳрамонлик йўналиши устун турса, ишқий-романик дostonларда (“Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Ёзи билан Зебо”, “Тўрўғли” туркумининг сўнги халқалари) севги можаролари, саргузаштли

	<p>воқеалар тасвирига алоҳида эътибор берилади.</p> <p>Ўзбек халқ достонлари жонли оғзаки ижрода асрлар давомида бой ёзма адабиёт намуналари билан ёнма-ён яшаб келди. Мумтоз адабиётнинг достончиликка таъсири баракали бўлди. “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Варқа билан Гулшоҳ”, “Вомик билан Узро”, “Зевархон” ва бошқалар шу хил достонлардандир. XVIII асрнинг охирларидан, хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида фольклор асарларини ёзма адабиётга яқин руҳда қайта ишлаш ёки аксинча, ёзма адабиёт намуналарини “фольклорлаштириш” жараёни ниҳоятда кучайди. Бунинг натижасида турли характер ва мазмундаги қиссалар (“халқ китоблари”) пайдо бўлди, айрим бахшилар ижодида ёзма адабиёт унсурлари кўрина бошлади.</p> <p>Ўзбек фольклори ўзбек халқининг бадий эстетик, маданий, дидактик қарашларининг такомиллашувида муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз асрлар давомида баркамол шахс тарбиясида фольклор асарларидан кенг фойдаланиб келади. Лойиҳа натижасида дунёнинг барча халқлари ёшлари баркамол шахс сифатида камол топиши учун ўзбек халқининг бадий, эстетик ва дидактик қарашлари мужассамлашган адабий меросдан хабардор бўлади.</p>
<p>Лойиҳанинг зудлиги: (хавфлар, имкониятлар)</p>	<p><i>Лойиҳа юз тутган аниқ таҳдид (масалан обиданинг жисмоний қулаш ҳавфи, зарарли ҳашаротлардан келадиган зарар, нотўғри сақлаш услуби, маданий қадриятларнинг йўқолиши ва ҳоказо), ҳамда лойиҳанинг тезкорлик билан кўриб чиқиш сабаблари.</i></p> <p>Халқ оғзаки бадий ижодиёти намуналари ижрочилари турли чекка қишлоқларда, турли даражадаги турмуш тарзига эга. Уларнинг аксарияти ёши 70-80 ёшдан ўтган шахслардир. Ахборотчилар ўз билганларини фақат оғзаки тарзда хотирасида сақлайдилар, улардан мазкур маданий ёдгорликларни зудлик билан ёзиб олиш орқали оғзаки асарларни ҳамда маданий қадриятларни сақлаб қолишимиз, кейинги авлодга етказишимиз мумкин.</p> <p>Ҳозиргача тўпланган материаллар турли фондларда, шахсий архивларда турли ҳолатда сақланмоқда. Мавжуд материалларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишнинг ягона йўли уларни рақамлаштирилган электрон базага киритишдир ва алоҳида сайт яратиб дунёнинг исталган жойидан истаган шахс ижтимоий тармоқлар орқали ўзбек фольклори материалларидан фойдаланиш имкониятини яратишдир..</p>

Ким ва қерда

**Лойиҳанинг батафсил
изоҳи:**

Батафсил изоҳ: 1. Мақсадлар. 2. Олдинга қўйилган масалалар. 3. Услуглар. 4. Ушбу лойиҳа билан боғлиқ бўлган олдинги қилинган ишлар. 5. Иш

(мақсад, масалалар, услублар, ушбу лойиҳага оид бўлган амаллар)

тақсимоти, ходимлар вазифалари.

Ўзбек халқининг бой маданий мероси оғзаки тарзда асрлар оша яшаб келаётган сўз санъатининг нодир намуналаридир. Халқимизнинг бадиий-эстетик қарашлари, поэтик мулоҳазалари, мифологик тасаввурлари, ахлоқий қарашлари, урф-одат ва маросимлари жараёнида ижро этиладиган айтимлари бевосита фольклор асарлари мазмунида ўзининг бетакрор ифодасини топган. Халқимиз миллий-маънавий қиёфасини ойдинлаштириш шонли тарихимиз ва аждодларимизнинг бадиий-эстетик қарашлари, ўзбек фольклорининг образлар тизими, бой жанрлар таркиби, бадиий тафаккурнинг тадрижий такомили борасида атрофлича илмий тушунчалар ҳосил қилиш учун халқ оғзаки бадиий ижодиётининг намуналари билан танишиш талаб этилади. Бунинг учун ўзбек фольклори материалларининг ахборотчилардан янги-янги вариантларини тўплаш, устоз фольклоршунослар томонидан тўпланган материалларни эса, китоб ҳолида чоп эттириш, кенг китобхонлар учун қулай бўлган ўзбек фольклорининг электрон базасини яратиш нафқат ўзбек халқи, балки дунё зиёлилари учун улкан илмий имкониятлар эшигини очади.

Лойиҳанинг **асосий мақсади** ўзбек фольклорининг энг яхши намуналарини электрон шаклда “Ўзбек фольклори” сайтига жойлаштириш асосида ўзбек халқининг бой миллий қадриятларини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Лойиҳани амалга оширишдан кўзда тутилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

– Ўзбек фольклори асарларининг ҳозирга қадар нашр этилган ҳамда фольклор архивларида сақланаётган намуналари асосида ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг электрон фондини яратиш;

Қадимий фольклори ва анъанавий ижрочилиги сақланиб қолган Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси, кўшни Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларининг ўзбеклар истиқомат қиладиган вилоятлари бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари ўтказиш ҳамда тўпланган материалларни “Ўзбек фольклори” сайтига жойлаштириш;

–Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислон шоир Назар ўғли, Берди бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Умир шоир Сафаров, Ёрлақаб Бекназар ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли, Қодир бахши, Бола бахши Абдуллаев, Худойберган Ўтаган ўғли, Аҳмад бахши каби атоқли дostonчиларнинг, Ҳасан Худойбердиев, Ҳусан Расулов,

Нурали Нурмат ўғли, Абдуғафур Шукуров каби эртақчилардан ёзиб олинган фольклор асарларини кенг оммалаштириш;

– Лойиҳа фольклор ижрочиларининг ҳозиргача ижрочилари шахсий архивларида сақланаётган аудио ва видео, кулёзма шаклдаги асарларининг электрон вариантини яратиш ва кенг омма эътиборига етказиш.

– Сайтга жойлаштирилган ҳар бир асарнинг инглизча, немисча, французча, русча аннотацияларини ишлаб чиқиш.

Мазкур лойиҳа ўзбек фольклори электрон базасини ташкил этиш муаммосини ҳал этишга қаратилади. Лойиҳа ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиётини тўплаш ва ўрганиш билан шуғулланадиган илмий муассасалар ва мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Айни пайтда ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси саналмиш “Алпомиш” достонининг қирққа яқин варианты бўлса-да, аммо мазкур асарнинг бирорта ҳам варианты тўлиғича электрон шаклда мавжуд эмас. Китоб ҳолида ҳам баъзи бир вариантлари чоп этилган холос. Холбуки, мазкур эпос намунаси Халқаро Юнеско ташкилоти тасарруфига олинган. Ўзбек фольклорининг бу каби нодир дурдоналари, эртақлар, маросим айтими, кўшиқлар, топишмоқларнинг айримлари китоб ҳолида чоп этилган ва мамлакатимиз ичидагина мавжуд. Ўзбек афсунлари, аврашлари, магик маросим айтими эса фақат мазкур лойиҳа муаллифи томонидан тўпланган ва ҳалича чоп этилмасдан турибди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида ўзбек фольклори материалларини жанрлар кесимида босқичма-босқич электрон вариантларини тайёрланади ҳамда барча материаллар интернет тизимида очиладиган янги “Ўзбек фольклори” номли сайтга жойлаштирилади. Шу тариқа ўзбек халқининг бой ва қадимий фольклорини жаҳон миқёсида кенг кўламда тарғиб этишга эришилади.

Лойиҳа иштирокчилари профессорлар М.Жўраев, Ж.Эшокуловлар томонидан фольклоршунослик амалиётида биринчи мартаба “Алпомиш” достони Фозил Йўлдош ўғли вариантининг матни рус тилига қилинган илмий-адабий таржимаси билан биргаликда академик нашр сифатида чоп этирилди. Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Гўрўғли” туркумига кирувчи достонлар тўла нашрга тайёрланди ва унинг асосий қисми “Гўрўғлининг туғилиши” (1996), “Авазхон” (1997), “Гўрўғли достонлари” (2006) номи билан нашр этилди. 2006 йилда эса Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Гўрўғли” достонлари тўла ҳолда нашр этилди. Ўзбек эпосининг қадимий намуналаридан бири – “Эдига” (Тулумхўжа) достони, профессор М.Жўраев томонидан афсона ва ривоятлардан тузилган “Эл деса Навоийни. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар” (1991),

“Ипак йўли афсоналари” (1993), “Бухоро афсоналари” (2002) тўпламлари нашр этилди.

Шунингдек, профессор М.Жўраев ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта наврўз байрами билан боғлиқ фольклор асарларидан тузилган “Наврўз” китоби (1992), йилбоши байрами ва баҳорий удумлар билан алоқадор урф-одат ҳамда маросимлар, унда ижро этиладиган кўшиқлар таҳлиliga бағишланган “Наврўз кўшиқлари” (2007), халқимизнинг табиат ходисалари билан алоқадор инонч ва таъбирлари жамланган “Об-ҳаво даракчилари” тўплами (1996), “Улуғ ой умидлари. “Ё рамазон” кўшиқлари» (2001), ўзбек дафн ва таъзия маросимлари фольклори намуналаридан таркиб топган (профессор Д.Ўраева билан ҳамкорликда) “Бўзлардан учган ғазал-ей” (2005) сингари китоблар халқимиз маросим фольклорини тўла нашр этиш йўлидаги муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Шунингдек, М.Жўраевнинг фольклористик изланишлари самараси ўлароқ “Остонаси тиллодан. Тўй маросим кўшиқлари” (1993), “Қизил гулнинг ғунчаси. “Келин салом”лар” (1999), “Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари” (2000), “Тўй муборак ёр-ёр” (тўй маросим кўшиқлари)” (2003), “Сарчашмадан томган инжулар. Сурхон воҳаси ўзбек тўй маросим кўшиқлари” (2007) каби фольклор тўпламлари нашрдан чиқди.

Мазкур лойиҳа иштирокчилари ҳозирга қадар қуйидаги ишларни амалга оширганлар ва лойиҳадаги вазифалари:

Лойиҳа директори, филология фанлари номзоди **Қаюмов Олим Садириддинович**- 1992 йилдан буён Навоий Самарқанд, Бухоро вилоятлари бўйлаб фольклор экспедициялари уюштириб, ўзбек шамон маросимлари фольклорига доир материалларни тизимли тўплаган ва уларни ўз шахсий архивида сақламоқда. Шунингдек, ўзбек шамон маросим фольклорига доир илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Лойиҳага умумий раҳбарлик қилади. Барча ташкилий масалаларни ҳал қилади. Аъзоларга вазифаларни тақсимлайди, назорат қилади, ҳисобот юритади. Сайтга жойлаштириладиган материалларга аннотациялар ёзади.

Лойиҳа ижрочиси, филология фанлари доктори, профессор **Маматқули Жўраев**- ўзбек фольклорининг йирик тадқиқотчиси, 92 та монография ва китоблар, 526 та илмий мақолалар муаллифи. Немис олимаси Габриеле Келлер билан ҳамкорликда “Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжет кўрсаткичлари католги”ни яратган (китоб 2 томдан иборат бўлиб, 2017й. Германияда чоп этилди). 1980 йиллардан буён Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон Республикалари бўйлаб ўзбек фольклори материалларини тўплаш учун экспедициялар ташкил этган. Кўплаб фольклор материалларини ёзиб олган. Олим томонидан ўзбек халқининг Наврўз байрами кўшиқлари,

удумлари, маросим фольклори, календар маросимлар ва халқ тақвими борасида кенг кўламдаги монографик тадқиқотлар яратилган. Сайтга жойлаштириладиган материалларга аннотациялар ёзади. Лойиҳада сайтга жойлаштириладиган материалларга илмий изоҳлар тайёрлайди, умумий илмий раҳбарлик қилади, фольклор экспедицияларида иштирок этади.

Лойиҳа ижрочиси, филология фанлари доктори, профессор **Дармоной Ўраева** - ўзбек фольклорининг тангиқли тадқиқотчиси. Бухоро фольклорининг стационар тўпловчиси ва кузатувчиси. 10 та монография 150дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Лойиҳада Сайтга жойлаштириладиган материалларга аннотациялар ёзади, илмий изоҳлар тайёрлайди, фольклор экспедицияларида иштирок этади.

Лойиҳа ижрочиси, фалсафа доктори **Сатторов Улуғбек** -ўзбек халқ ривоят ва афсоналарининг тўпловчиси ва тадқиқотчиси. 2006 йилдан бўён Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ўзбек фольклори материалларини тўплаш учун ташкил этилган фольклор экспедицияларининг фаол иштирокчиси 2 та монография, 43 та илмий мақолалар муаллифи.

Лойиҳада сайтга жойлаштириладиган материалларга илмий изоҳлар тайёрлайди, материалларни рақамлаштиришда ва фольклор экспедицияларида иштирок этади.

Лойиҳа ижрочиси, фалсафа доктори **Сатторова Гулноз** -ўзбек халқ ривоят ва афсоналарининг тўпловчиси ва тадқиқотчиси. 2008 йилдан бўён Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ўзбек фольклори материалларини тўплаш учун ташкил этилган фольклор экспедицияларининг фаол иштирокчиси 2 та монография, 43 та илмий мақолалар муаллифи.

Лойиҳада сайтга жойлаштириладиган материалларга илмий изоҳлар тайёрлайди, материалларни рақамлаштиришда ва фольклор экспедицияларида иштирок этади.

Лойиҳа ижрочиси, **Қаюмова Гулнора** -ўзбек халқ миф ва афсоналарининг тўпловчиси, тадқиқотчиси. 2006 йилдан бўён Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ўзбек фольклори материалларини тўплаш учун ташкил этилган фольклор экспедицияларининг фаол иштирокчиси 1 та монография ҳаммуаллиф, 7 та илмий мақолалар муаллифи.

Лойиҳада сайтга жойлаштириладиган материалларга илмий изоҳлар тайёрлайди, материалларни рақамлаштиришда ва фольклор экспедицияларида иштирок этади.

Лойиҳа ижрочиси, фалсафа доктори **Худойкулова Латифа** -ўзбек халқ қўшиқларининг тўпловчиси ва тадқиқотчиси. 2005 йилдан бўён Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ўзбек фольклори материалларини тўплаш учун

	<p>ташқил этилган фольклор экспедицияларининг фаол иштирокчиси 1 та монография, 52 та илмий мақолалар муаллифи.</p> <p>Лойиҳада сайтга жойлаштириладиган материалларга илмий изоҳлар тайёрлайди, материалларни рақамлаштиришда ва фольклор экспедицияларида иштирок этади.</p> <p>Лойиҳа ижрочиси, фалсафа доктори Имомназарова Шаҳодатбону -ўзбек халқ афсоналарининг тўпловчиси ва тадқиқотчиси. 2012 йилдан бўён Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ўзбек фольклори материалларини тўплаш учун ташқил этилган фольклор экспедицияларининг фаол иштирокчиси 36 та илмий мақолалар муаллифи.</p> <p>Лойиҳада сайтга жойлаштириладиган материалларга илмий изоҳлар тайёрлайди, материалларни рақамлаштиришда ва фольклор экспедицияларида иштирок этади.</p> <p>Лойиҳа ижрочиси, фалсафа доктори Жўраева Мунис - ўзбек халқ топишмоқларива маросим кўшиқларининг тўпловчиси ва тадқиқотчиси. 2012 йилдан бўён Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ўзбек фольклори материалларини тўплаш учун ташқил этилган фольклор экспедицияларининг фаол иштирокчиси 1 та монография, 46 та илмий мақолалар муаллифи.</p> <p>Лойиҳада сайтга жойлаштириладиган материалларга илмий изоҳлар тайёрлайди, материалларни рақамлаштиришда ва фольклор экспедицияларида иштирок этади.</p> <p>Ахмедова Мехринигор- таржимон, сайтга жойлаштириладиган материалларнинг инглиз тилига таржимасини амалга оширади.</p> <p>Жўраев Бехзод- компьютер дизайнери.</p>
<p>Фаолиятнинг муддати:</p>	<p><i>Таклиф қилинаётган лойиҳадаги қилинадиган ишларнинг бошидан охиригача тасниф қилинг.</i></p> <p>Лойиҳани амалга оширишда ижодий гуруҳ уч асосий йўналишда иш олиб боради:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳозиргача лойиҳа муаллифлари томонидан ёзиб олинган ва турли фондларда сақланаётган, ўзбек фольклори асарларининг электрон фондини яратиш ҳамда бу материалларни “Ўзбек фольклори” сайтга босқичма-босқич жойлаштириб бориш; 2. Ўзбек фольклори ва фольклоршунослигига оид фотоматериаллар, аудио ва видеоёзувларни сайтга босқичма-босқич жойлаштириб бориш. 3. Қадимий фольклор ва анъанавий ижрочилиги сақланиб қолган Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси, Қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикаларининг ўзбеклар яшайдиган худудлари

бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари ўтказиш ҳамда тўпланган материалларни “Ўзбек фольклори” сайтига жойлаштириш;

Лойиҳанинг фаолият муддати 5 йил:

2021-2022 йилларда ўзбек фольклори материалларининг фондларда сақланаётган материаллари ўрганилади. “Ўзбек фольклори” сайти учун “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек билан Болибек”, “Якка Аҳмад”, “Соҳибқирон”, “Ойпарча”, “Одилхон”, “Ширин билан Шакар”, “Эрали билан Шерали”, “Муродхон”, “Рустамхон”, “Орзигул”, “Кунтуғмиш”, “Холбека” дostonларининг намуналари рақамлаштирилади. Халқ бахшилари репертуаридаги “Гўрўғли” туркуми дostonларининг тарқалиш ареали, сюжет тизимининг генезиси, сюжет тузилиши ва мотивлар таркиби ўрганилади. Ўзбек халқ дostonлари юзасидан текстологик тадқиқотлар олиб борилади ва эпик матн структурасининг ўзига хос бадий мезонлари аниқланади. “Гўрўғли” туркуми дostonлари, Хоразм дostonчилиқ анъаналари ўрганилади ва “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Хурлиқо-Ҳамро”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ошиқ Албанд”, “Саёдхон-Ҳамро”, “Асил ва Карам”, “Ошиқ Нажаб”, “Гулруҳ пари”, “Қоракўз ойим” сингари дostonларнинг матни электрон шаклга ўтказилиб, сайтга жойлаштирилади. Туркманистон ва Тожикистон Республикалари, Тошкент, Жиззах вилоятлари бўйлаб фольклор экспедицияси уюштирилади. Экспедиция жараёнида тўпланган материаллар бирламчи ишловдан ўтказилади.

2023-2025 йилларда халқ бахшилари репертуаридаги “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Баҳром ва Гуландом” сингари эпик асарларнинг бахшилардан ёзиб олинган вариантлари, шунингдек, “Шайбонихон”, “Ойчинор”, “Едиге”, “Ойсулув”, “Санам Гавҳар”, “Темурнинг ёшлиғи”, “Соҳибқирон Амир Темур”, “Хуршидой”, “Очилдов”, “Мардикор”, “Маматкарим полвон”, “Намоз” сингари тарихий дostonлар матни электрон шаклга келтирилиб, сайтга жойлаштирилади. Қиссахонлик анъанаси ва “халқ китоблари” – қиссаларнинг эпик тафаккур ривожига тутган ўрнини тадқиқ этилади. “Бобо Равшан”, “Қиссаи Тоҳир ва Зухра”, “Гул ва Санобар”, “Маликаи Дилором”, “Завриё”, “Зайнул араб”, “Тулумхўжа”, “Қиссаи Жамшид”, “Иброҳим Адҳам” ва бошқа қиссаларнинг турли кўлёзма ва тошбосма нусхалари асосида текстологик тадқиқотлар амалга оширилиб, “халқ китоблари” – қиссаларнинг матни сайтга жойлаштирилади. Шу билан бирга, ўзбек фольклорига бошқа туркий халқлар эпик анъанасидан ўтган “Қизжибек”, “Болтакай ботир”, “Жонодил”, “Гулдурсун”, “Маспатша” ва бошқа дostonлар матни ҳам сайтга жойлаштирилади. Ўзбек халқ кўшиқлари ҳамда

	<p>маросим фольклори жанрларига оид материаллар илмий ўрганилади. Ўзбек халқ кўшиқлари ва маросим фольклори асарлари, миф, афсона, ривоятлар матни рақамлаштирилиб, сайтга жойлаштирилади. Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари, Фарғона водийси бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари уюштирилади. Тўпланган материаллар дастлабки ишловдан ўтказилади.</p> <p>Ўзбек халқ оғзаки насри бўйича текстологик тадқиқот ишлари амалга оширилиб, нақл, латифа, лоф ва оғзаки ҳикоялар жамланиб, матни сайтга жойлаштирилади. Ўзбек халқининг сўз магияси билан боғлиқ фольклор асарлари – олқиш, қарғиш ва афсун-аврашлар, топишмоқ ва мақоллар тўплаб, ўрганилади ва уларнинг матнлари сайтга қўйилади.</p> <p>2026 йилда аския ва оғзаки драмага мансуб жанрларга оид матнлар тадқиқ этилади. ўзбек болалар фольклорининг жанрлар тизими таснифланади, ўйинларнинг асосий турлари илмий тавсифланади ва уларга доир матнлар тўплаб, тадқиқ этилади. Ўзбек халқ эртаклари, оғзаки драма, кўғирчоқ ўйин, болалар фольклори сайтга жойлаштирилади. Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти намуналарини ижро этган фольклор ижрочилари - бахшилар, эртакчилар, аскиячилар, қизикчилар, кўшиқчилар, латифагўйларнинг фотосуратлари, фольклор ижрочилигига оид турли фотоматериаллар, ўзбек фольклори асарларининг аудио ва видеоёзувлари “Ўзбек фольклори” сайтга жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё Қашқадарё Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари бўйлаб фольклор экспедициялари уюштирилади. Фольклор экспедициялари натижасида тўпланган материаллар сайтга жойлаштирилади. Бундан ташқари, ўзбек фольклори ва фольклоршунослиги билан боғлиқ турли янгиликлар ва хабарлар мунтазам равишда оперативлик асосида мазкур сайтга жойлаштириб борилади.</p>
--	--

Ким	
<p>Грант сўраётган шахснинг тўлиқ исми</p>	<p><i>Тўлиқ исми, юридик статус, биографик маълумот ва ушбу режалаштирилатган лойиҳани юритишга пайоқатлиги.</i> <i>Эслатма: Қойида бўйича, Элчининг фонди чет элдаги Америкалик мустақил лойиҳаларга ҳомийлик қила олмайди. Бундай лойиҳаларни тақлиф қилишдан аввал АФСР координаторларидан махсус рухсат олиш лозим.</i></p> <p>Қаюмов Олим Садириддинович-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси фалсафа доктори. Фольклоршунос. 10 та монография, 88 та илмий мақолалар муаллифи. “Ўзбек магик фольклорининг долзарб масалалари” тадқиқотчиси. Франциянинг IFIAK Марказий Осиё халқларини ўрганиш институти стипендияти (2006), 2005</p>

	<p>йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан эълон қилинган амалий тадқиқотлар учун лойиҳалар танловида “Ўзбек шамон маросимлари фольклори (спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикаси)” номли лойиҳа ижрочиси. 2007 йил эълон қилинган ёш олимлар учун Фундаментал тадқиқот–“Халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” номли лойиҳанинг асосий ижрочиси, 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан эълон қилинган Фундаментал тадқиқотлар танловида доирасида бажарилган “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” номли лойиҳа раҳбари.</p>
<p>Лойиҳа директори Тажрибаси, институт номи, резюме</p>	<p><i>Лойиҳа директорининг тўлиқ исми, малакаси, бирор ташкилотга оидлиги. Бу шахс лойиҳанинг асосий бошлиғи ва иш юритувчиси бўлиши керак. Сўровномага директорининг резюмесини илова қилинг.</i></p> <p>Қаюмов Олим Садириддинович- Алишер Навоий халқаро жамоат бирлашмаси етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди. Фольклоршунос. 10 та монография, 88 та илмий мақолалар муаллифи. Илмий педагогик тажрибаси 28 йил.</p>
<p>Лойиҳа профессионал ходимлари Тажрибаси, институт номи, резюме</p>	<p><i>Лойиҳада иштирок этадиган мутахассисларнинг исмлари ва малакалари. Резюмелари сўровномага илова қилинган бўлиши керак.</i></p> <p>Лойиҳа ижрочиси, филология фанлари доктори, профессор Маматкули Жўраев- фольклоршунос, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директор ўринбосари. 92 та монография ва китоблар, 526 та илмий мақолалар муаллифи. Илмий педагогик тажрибаси 38 йил.</p> <p>Лойиҳа ижрочиси, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраева- Бухоро давлат университети профессори. 10 та монография 150дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Илмий педагогик тажрибаси 33 йил.</p> <p>Лойиҳа ижрочиси, фалсафа доктори Сатторов Улуғбек –фольклоршунос. Навоий Кончилик коллежи директори. 2 та монография, 43 та илмий мақолалар муаллифи. Илмий педагогик тажрибаси 26 йил.</p>
<p>Таклиф қилинаётган лойиҳани амалга оширишга расмий рухсатнома (тегишли корхона ёки ташкилотдан)</p>	<p><i>Сўровномага тегишли ташкилот ёки органдан лойиҳани амалга оширишга рухсатномасини илова қилинг (масалан: маданият вазирлиги, тарихий обидалар билан шуғулланадиган бўлим ва ҳоказо)</i></p>
<p>Бюджет (ушбу бўлимни MS EXCELда алоҳида берилган намунадан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқинг)</p>	
<p>Харажатлар ва хом ашёлар</p>	<p><i>Сарфланадиган харажатлар (масалан: сақланиш учун мўлжалланган қутилар, кислотаси йўқ қоғозлар, жавонлар, киноплёнкалар, гипс, том учун материаллар, қурилиш материаллари, тилла қоғозлар ва ҳоказо)</i> 500\$ Влеш, дисклар</p>

Жиҳозлар нархи	<i>Узоқ вақт қўлланиладиган асбоб ускуналар ёки электрон ускуналарнинг ижара ёки сотиб олиш нархи</i> 5000\$ видео камера харид қилиш учун
Лойиҳа ходимларига тўланадиган ёки ойлик маошлар	<i>Консерваторлар, ишчилар, фотографлар; архитектор, техник ва расмларни кўпайтириш хизмат ҳақлари...</i> 168 000 \$
Сафарлар Фақат лойиҳанинг асосий ходимлари учун	<i>Хорижий сафарларга кетадиган харажатларни фонд қўллаш олмайди, аммо баъзи пайтда бу лойиҳага узвий боғлиқ лойиҳалар бундан мустасно. Қарорлар ҳар бир лойиҳага қараб чиқарилади.</i> 3500 \$
Умумий нарх	177 000 \$
Бошқа ердан молиявий кўмак	<i>Шу лойиҳа билан боғлиқ бўлган бошқа молиявий манбалар. Бу ҳисобни сўралаётган қийматга қўшилмасин.</i>